
Оқтепа маҳалласидаги 600 дан зиёд хонадоннинг тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланади (видео)

Ўзбекистон туманидаги “Оқтепа” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам тоза ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган лойиҳа бажарилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида маҳаллада обихаёт билан боғлиқ муаммони бартараф этиш мақсадида сув қудуғи қазилмоқда.

Таъкидланишича, қурилиш-монтаж ишлари доирасида ичимлик суви қудуғи қазилиши билан биргаликда янги сув минораси, уни ишга тушириш учун эса янги трансформатор пункти ҳам ҳам ўрнатилади.

Мазкур ишлар натижасида маҳалладаги 600 дан зиёд хонадоннинг тоза ичимлик таъминоти яхшиланиши кўзда тутилган.

Батафсил: [видео](#)

2023-05-13 18:51:58